

Маҳалла

1996 йилдан чиқа бошлаган * 2013 йил 16 ноябрь. Шанба №97 (959) * www.mahallagzt.uz * info@mahallagzt.uz



ЮРТИНГ ОБОД
ДИЛИНГ ОБОД
ТОШКЕНТ ШАҲРИ

ОБОДЛИК МАНЗАРАЛАРИ

БУГУННИ КЕЛАЖАККА БОҒЛАГАН РИШТА



— Намунавий лойиҳа асосидаги уй-жойлар қурилиши туманимиз ҳаётига ҳам катта янгилик, юксалиш олиб кирди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Мирзачўл тумани бўлинмаси раиси

Бугун замонавий уй-жойга эга бўлиш ҳар кимнинг орзуси. Президентимизнинг ташаббус ва эътиборлари билан юртдошларимизнинг бундай орзулари ҳатто энг чекка қишлоқларда ҳам ушалаётир.

Қувондиқ Абдуқодиров. — Бунёдкорлик ишлари бошлангандан буён учта массивда намунавий лойиҳа асосида 81 та уй қурилади. Хусусан, Ипак йули, Мирзадала, Габаба қишлоқларидаги янги уйлар ҳудудимиз қиёфасини кўркамлаштириб юборди. Замонавий турмуш тарзи тўлиқ ҳисобга олинган ҳолда лойиҳалаштирилган бундай турар-жойга эга бўлиш истагидагилар сони тобора ортиб бораётти.

Ипак йули қишлоғида қад ростлаган 15 та намунавий лойиҳадаги уй 680 дан зиёд хонадошли аҳолини хушнуд қишлоқни обод қилди. — Бу деҳқонлар учун кўрсатилаётган гамхўрликнинг яна бир намунаси, — дейди «Омонқул» фермер хўжалиги раҳбари Эркин Деҳқонбоев. — Фарзандларим Жасур ва Шерзодга ушбу уйлардан олиб бераётирман. Банкининг узоқ муддатли кредити ҳисобидан барпо этиладиган томорқали, зарур хўжалик биналарига эга бундай ҳовлилар айнан кўнглимиздагидек.

> [3]

ЖАРАЁН



МУҚОБИЛЛИК, ОШКОРАЛИК ВА ТЕНГЛИК АСОСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2013 йил 12 сентябрда қабул қилинган қарорига мувофиқ, республикамизнинг барча ҳудудларида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари юқори савияда ўтказилмоқда.

Пойтахтимизда 475 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 5 минг нафардан зиёд маслаҳатчилари сайланади.

— Турмушимизнинг янада ободлиги, халқимизнинг тинч ва фаровон яшашини таъминлашда маҳаллаларнинг алоҳида ўрни бор, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси, Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссия аъзоси Жавдат Иноғомов. — Ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий жараёнда муносиб номзодларга овоз бериш ҳудудлар ободлиги, аҳоли фаровонлиги ва фуқаролар ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ифода этишда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис маҳаллалар аҳлига сайловга оид қонун ҳужжатлари атрофида тушунтирилди.

Тошкент шаҳрининг Бектемир

туманидаги «Миришкор» маҳалла-сида фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилмаган 291-мактаб биносига раисликка номзоди қўйилган 2 нафар фуқаронинг суратлари, таржман ҳоли, келгусидаги режалари дастури иланган. Бирин-кетин сайловга келаётган фуқаролар дастаб ишчи гуруҳ фаолиятига оид маълумотларни кўздан кечирдилар. Байрамона безатилган мактаб фойсисада сайловчилар рўйхатга олиниб, жараён ҳақида янада кўпроқ маълумот берувчи кўргазмалар воситалар, ўқув қўлланмалари билан таъминланди.

> [2]

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ



Зотан, Ўзбекистон Республикасининг Бош Қомуси инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети гояларини ўзида мужассамлаштириган ҳолда умумэътироф этилган қоидалар устунигини сақлаш, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечирешларини таъмин-

лашни ҳамда тинчлик ва миллий тотувлиқни кўзлайди.

Ҳар йили у қабул қилинган сана одидан фуқаролар, айниқса, ёшлар ўртасида Конституциянинг мазмун-моҳияти, шу асосда яратилган қонуний ҳақда уларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги аҳамиятини тушутириш юзасидан ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказиб келинади. Жорий йилда ҳам «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ва унинг ҳудудий бўлими ҳамда бўлинмалари томонидан бу борада кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлигида «Конституция — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлиги кафолати», «Конституция — миллий давлатчилигимиз асоси», «Конституция — бахтимиз қомуси», «Қомусимиз — бахтимиз пойдевори» мавзуларида маърифий учрашувлар, давра сўбатлари ўтказиб келинаётир. Айниқса, «Конституция бил-лимонлари» кўрик-танлови ўқувчи-ёшлар орасида Қомусимиз гояларини кенг тарғиб этишнинг муҳим воситасига айланган.

> [2]

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Кўмаклашувчи комиссия ва ишчи гуруҳ ваколатлари фуқаролар йиғинларига муносиб номзодларнинг сайланишига хизмат қилади

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар тизимида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган чоратадбирлар алоҳида аҳамият касб этади.

Асосий Қонунимизнинг 32-моддасида: «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва

давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади», деб белгиланган.

Шу нуқтаи назардан фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш ҳам фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги муҳим

ҳуқуқларидан биридир.

Юртимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар ва миллий тараққиёт талабларидан келиб чиқиб, 2013 йил 22 апрелда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонуни бу борадаги сайловларни такомиллаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлidir.

> [2]

Наврўз МУСАЕВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди
Тошкент шаҳар бўлими бош муҳаррифи.

ДАЛИЛ ВА РАҚАМ

Соғлом авлод — соғлом келажак



Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотларига кўра, 2013 йилда мамлакатимизда мутлақо соғлом болалар туғилиши 63 фоиздан ошган.

Кувонарлиси, болаларнинг ирсеий хасталиклар ва нуқсонли туғилиши хавфи 2000 йилдагига нисбатан жорий йилда 14 фоизга камайиб, 92 фоиз ўғил-қизнинг вазни ва бўйига доир кўрсаткичлар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мосдир.

Айни пайтда республикадаги болаларнинг қариб юз фоизи турли инфекцияларга қарши эмланаётгани натижасида полиомиелит, чакалоқлар қоқиоли, дифтерия, қизамиқ каби касалликлар бутунлай барҳам топди. Қатор юқумли хасталиклар билан оғриш ҳолатлари кескин камайди.

Табиийки, бундай юқори натижалар соғлиқни сақлаш тизимини янада яхшилаш мақсадида ажратилаётган давлат бюджетни маблағларининг ишдан-йилга кўнаиб бораётгани билан боғлиқ. Ушбу йилги соҳа ривожини учун давлат бюджетидан 2,8 триллион сўм маблағ йўналтирилган бўлса, Обод турмуши йилида бу кўрсаткич 3,4 триллион сўмга етди.

«MAN-UZBEKISTAN»: МАҚСАД — САМАРАДОРЛИКНИ ЯНАДА ОШИРИШ

Транспорт — иқтисодийётни ҳаракатга келтирувчи асосий кучдир. Шу боис дунёдаги аксарият мамлакатлар иқтисодий, ижтимоий ва илмий-техник тараққиётнинг асосий йўналишларидан бўлган автомобилсозликни ривожлантиришни устувор йўналишлардан бири деб билади.

Транспорт саноатининг муҳим таркибий қисмларидан бири — юк автотранспортлари ишлаб чиқариш халқ хўжалиги тармоқлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Сунги йилларда барқарор ўсиш суръатларини сақлаб келаётган Ўзбекистон иқтисодиётида юк ташиш автотранспорти муҳим ўрин тутади.

тайдирлашни ўзлаштириш каби кенг қўламли вазифалар кўйилган.

Бундай вазифаларни давр талабига кўра ва автомобилсозлик технология жихатдан ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда, ҳамкорликдаги сайи-ҳаракатлар билан ҳал этиш мақсада мувофиқдир. Яқинда ташкил этилган «JV MAN Auto-Uzbekistan» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси бунга ёрқин мисол бўла олади. Бу ерда 15 тоннадан 50 тоннагача юк кўтариш қувватига эга замонавий ва ишончли MAN юк машиналари ишлаб чиқарилмоқда.

ҚУРИЛИШ ҚАНДАЙ БОШЛАНГАН

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил 16 февралда қабул қилинган «Оғир юк кўтарадиган автотранспорт воситаларини ишлаб чиқаришни келгусида ривожлантириш бўйича чоратадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистонда оғир юк кўтарадиган MAN автомобилларини ишлаб чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш комплекс қурилишига асос солинди.

Самарқандда атиги олти ой ичида MAN дилерлик ва сервис маркази ташкил этилди. Қисқа вақт давомида оғир

юк кўтарадиган автомобилларни техник кўриқдан ўтказиш ва таъмирлаш, механик, электр техник ва шиналарни монтаж қилиш ишларини амалга ошириш учун замонавий сервис корхонаси фаолиятини йўлга қўйилди.

Ушбу ихтисослаштирилган марказ бир йилда 1,5 миңдан ортқ юк автомобили ва махсус техникани таъмирлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Келажақда бу кўрсаткични йилга 4 миңга юк автомобил ва автобустга етказиш кўзда тутилаётир.

Бундан ташқари, унинг ҳузурида ташкил қилинган

> [3]

